



ТҶККИЗ ЮЗИНЧИ (1494-1495) ЙИЛ ВОКЕАЛАРИ

Менга Султон Махмуд мирзодан Абдулқуддусбек исмли элчи келди. Тўнгич ўгли Султон Масъуд мирзога оғаси Султон Ахмад мирзонинг Окбегим исмли иккинчи кизини тўй-томошалар билан олганининг белгиси сифатида сочки келтирди: олтин ва қумушдан бодом ва писталар қилибдилар.

Элчининг Хасан Яъқубга қариндошлиги бор экан. Хасан Яъқубни ваъдалар билан Султон Махмуд мирзога қаратгани келган экан. Юмшок жавоб айтиб, ўзини у томонга ўтгандек кўрсатиб элчини жўнатди. Беш-олти ойдан сўнг Хасан Яъқубнинг феъли ўзгариб, менинг яқинимдаги қатта-кичик билан ёмон муомала қила бошлади. Иш шу даражага етдики, мени жўнатиб, Жаҳонгир мирзони подшоҳ қилмокчи бўлди. Хасан Яъқубнинг бошқа қишилар, амирлар ва сипохи билан ҳам муомаласи яхши эмас эди. Унинг бу фикридан барча эл хабардор бўлганди. Хожа Қози ва Қосим қавчин, Али Дуст тағойи ва Узун Хасан ҳамда яна баъзи хайрихоҳлар менинг улуг онам Эсон Давлатбегимнинг қошига йигилишиб, Хасан Яъқубни бекликдан тушириб, фитнасига барҳам беришга қарор қилдилар. Хотинлар орасида фикрлаш ва тадбирда улуг онам Эсон Давлатбегимга етадигани қам эди, кўп оқила ва тадбирли эди. Мухим ишлар кўпроқ уларнинг қенгаши билан бўларди.

Хасан Яъқуб арқда, онам ва қатта онам — Эсон Давлатбегим ташқи кўргондаги шоҳга қарашли манзилда эдилар.

Фитначини амалдан тушириш нияти билан отланиб арққа қараб йўл олдим. Хасан Яъқуб қуш овига отланган экан. Хабар топиб, ўша ёқданок Самарқанд сари жўнаб қолибди. Унинг атрофидагилар, барча беклари қўлга олинди. Тутилган беклар — Муҳаммад Боқирбек, Султон Муҳаммад дўлдойнинг отаси Султон Махмуд дўлдой эдилар. Улардан бошқалари ҳам бор эди. Айримларига Самарқандга кетишга руҳсат берилди. Эшиқ оғалик ва Андижон шаҳри ҳокимлиги Қосим қавчинга топширилди и.

Самарқандга кетиш ниятида йўлга чиққан Хасан Яъқуб Қандибодомгача борган экан. Бир неча кундан сўнг бузук ҳаёл билан Аҳсига қараб йўл олиб, Хўқон кенти атрофларига келганида хабар топиб, баъзи беклар билан йигитларни унинг устига жўнатдик. Хужумчи қисм беклари бир гуруҳ йигитларни ўзларидан илгарирок қаровулликка юборган эдилар. Хасан Яъқуб билиб қолиб, кечаси бу қаровулликка ажратилган йигитларнинг устига юриб, молшоҳи тарзида аскар тизиб, ўқ оттиради. Лекин қоронғи кечада қоча олмай, ўз аскарининг ўқи қакқасига тегиб, қилмишининг қурбони бўлди.

Чу бад карди, мабош эмин зи офот,
Ки вожиб шуд табиатро мукофот.

(Таржимаси:

Ёмонлик килдингми: сенга йўк нажот,
Табиатга вожиб эваз — мукофот.)

Ушбу йили шубхали таомдан ўзимни торта бошладим. Пичок, кошик ва дастурхонгача эҳтиёт бўлар эдим. Тунги ибодатларни ҳам камрок тарк этардим.

Раби ул-охир ойида Султон Махмуд мирзо бир огир касалликка чалиниб, олти кунда оламдан ўтди. Кирк уч ёшда эди.

Таваллуди ва насл-насаби. Саккиз юз эллик еттинчи (1453) йили тугилган эди. Абусаид мирзонинг учинчи ўгли, Султон Ахмад мирзонинг тугишгани эди.

Шакл ва шамойили: паст бўйли, сийрак соқоли, семиз, камхафсаларок киши эди.

Ахлоқ ва феъл-атвори яхши, намоз-ни канда килмасди. Тартиб ва бошқариш қобилияти жуда яхши эди. Хисоб илмини пухта биларди. Вилоятлардан бирор танга, бирор сум ҳам унинг рухсатисиз харж қилинмасди. Навқарининг маоши ҳеч қачон қамайтирилмасди. Базм ва ҳадяси, зиёфати ва девони(махқамада иш юритиши) жуда яхши эди. Барчаси қоида ва тартиб билан олиб бориларди. Шуи дай тартиб ва интизом ўрнатган эдики, лашқар ҳам, халқ ҳам уни суиистеъмом қила олмасди. Олдинлари қуш овига жуда ўч экан. Сўнгра кўпроқ хайвон овлайдиган бўлди.

Зулм ва бузуклик билан кўп машғул бўлар, муттасил май ичарди. Кўп бачча саклар, ўзига қарашли жойларнинг қа-ерида чиройли ўсмирлар бўлса, уларни турли йўллар билан қелтириб, бачча қиларди. Бекларнинг ўғилларини, кўкал-дошларини бачча қилар, хатто ўзининг кўкалдошидан тугилганга ҳам бу хиз-матни буюрганди. Бу шум одат шунчалик раем бўлган эдики, баччасиз киши йўқ эди. Бесоқолбозликни хунар деб били-шарди. Бачча сакламасликни айб сана-шарди. Зулм ва бузукчиликнинг қасо-фатидан барча ўғлонлари жувонмарг бўлдилар.

Шеърга иштиёқи бор эди. Девон тартиб берган, бироқ шеъри жуда бўш ва бемаза эди. Ундай шеър ёзгандан кўра, ёзмаган яхшироқ.

Ёмон эътиқодли киши эди. Хазрати Хожа Убайдуллохни қадрламасди. Юрак-сиз, хаёси камрок киши эди. Атрофида бир неча майнавоз ва бебоқлар йигилган, девон ва халойиқ қошида ёмон ва хунук ҳаракатлар қиларди. Бадқалом эди. Сўзини дархол англаб бўлмасди.

Урушлари. Икки марта саф тортиб жанг қилди. Хар иққаласида ҳам Султон Хусайн Бойқаро мирзо билан тўқнашди: бир маротаба Астрободда мағлуб бўлди. Яна бир марта Андхуд тупроғида, Чаман деган ерда ҳам мағлуб бўлди. Икки марта Бадахшоннинг жануб томонидаги Қофи-ристонга бориб газот қилди. Шу сабабли фармонининг сарлавҳасида Султон Махмуд гозий деб ёзардилар.

Вилоятлари: Султон Абусаид мирзо унга Астрободни берган эди. Ироқ воқеасидан кейин (ўша ерда Абусаид мирзо жангда ҳалок бўлган) Хуросонга қелди. Бу пайтда Хисор ҳокими Қанбар Алибек Султон Абусаид мирзонинг буйруги билан Хиндистон лашқарини йигиб Ироққа, мирзонинг орқасидан бораётганда Хуросонда Султон Махмуд мирзога қўшилди. Султон Хусайн Бойқаро мирзонинг овозасини эшитгач, Хуросон халқи хужум қилиб, Султон Махмуд мирзони Хуросондан ҳайдадилар. Султон Махмуд мирзо Самарқандга Султон Ахмад мирзо қошига қелди. Бир неча ойдан сўнг Ахмад Мушток бошлиқ Сайид Бадр ва Хисравшоҳ ҳамда яна баъзи йигитлар Султон Махмуд мирзони олиб қочиб, Хисорга Қанбар Алибек қошига бордилар. Ўшандан бери Қаҳқа билан Қўхтан

тогининг жануб тарафидаги вилоятлар, чунончи, Термиз ва Чагониён, Хисор ва Хатлон, Кундуз ва Бадахшон Хиндукуш тогигача Султон Махмуд мирзонинг ихтиёрига ўтди.

Акаси Султон Ахмад мирзо ўлгандан сўнг унинг вилояти ҳам бунинг тасарруфида бўлди.

Авлоди: беш ўғил, ўн бир киз кўрди. Барча ўғилларидан каттаси Султон Масъуд мирзо эди. Онаси Мир Бузург Термизийнинг кизи эди.

Яна бир ўғли Бойсункур мирзо эди. Онаси Пошобегим эди.

Яна бир ўғли Султон Али мирзо эди. Онаси Зухрабегим ога ўзбак чўри эди.

Яна бир ўғли Султон Хусайн мирзо эди. Онаси Хонзодабегим Мир Бузургнинг набираси эди. У мирзо тириклигида ўн уч ёшида Тангри раҳматига борди.

Яна бир ўғли Султон Вайс мирзо эди. Онаси Юнусхоннинг кизи, менинг онам-нинг синглиси Султон Нигорхоним эди. Бу тўрт мирзонинг ҳолатлари мазкур асарнинг тегишли воқеаларида зикр этилган.

Уч кизи Бойсункур мирзо билан бир тугишган эди. Каттасини Султон Махмуд мирзо амакиси Минучеҳр мирзонинг ўғли Малик Мухаммад мирзога чиқарган эди.

Яна беш кизи Мир Бузургнинг невараси Хонзодабегимдан эди. Каттасини Султон Махмуд мирзо вафотидан кейин Абобакр Кошгарийга бердилар. Иккинчи кизи Бикабегим эди, Султон Хусайн Бойкаро мирзо Хисорни камал қилганда Султон Абусаид мирзонинг кизи Поянда Султонбегимдан тугилган Хайдар мирзо исмли ўғлига олиб, ярашиб, Хисорнинг устидан қайтиб кетди. Учинчи кизи Окбегим эди. Тўртинчи кизи Ойбегим эди. Султон Хусайн мирзо Кундуз устига келганда, Умаршайх мирзо ўғли Жаҳон-гир мирзони Андижон лашкари билан қўмакка юборганда Жаҳонгир мирзога номзод бўлган эди. Тўққиз юзу ўнинчи йили (1504) Амударё бўйида Боки Чагониёний менга келиб мулозамат қилди. Бу бегимлар оналари билан Тирмизда эдилар. Булар ҳам Боки Чагониёнийнинг кўч-кўрони билан келиб қўшилдилар. Кохмардга келганда Ойбегимни Жаҳонгир мирзо олди. Биргина киз кўрди. Мазкур йилда у катта онаси Хонзодабегим билан Бадахшон вилоятидадир. Бешинчи кизи Зайнаб Султонбегим эди. Қобулни эгаллаганимда онам Қутлуг Нигорхонининг таклифи билан уни олдим, хийла ҳамжихатлик бўлмади. Икки-уч йилдан сўнг чечак хасталиги билан оламдан ўтди. Яна бир кизи Махдума Султонбегим эди. Султон Али мирзонинг тугишган эгачисидир. Ҳозир Бадахшон вилоятида. Яна икки кизи икки қанизақдан тугилган: бирининг оти Ражаб Султон, яна бирининг исми Муҳиб Султондир.

Хотинлари ва қанизақлари. Катта хотини Мир Бузург Термизийнинг кизи Хонзодабегим эди. Мирзо уни жуда севарди. У Султон Масъуд мирзонинг онаси эди. Хонзодабегим ўлганда мирзо жуда каттик таъзия тутганди. Ундан сўнг Мир Бузургнинг набираси — Хонзодабегимнинг биродарзодасини олди. Уни ҳам Хонзодабегим дер эдилар. Беш киз ва бир ўғилнинг онаси эди.

Яна бири — Пошобегим. Қоракўйлуқ Баҳорлу аймаги туркман бекларидан Али Шуқурбекнинг кизи эди. Уни аввал Жаҳоншоҳ мирзо Вороний Қоракўйлуқнинг ўғли Мухаммадий мирзо олган эди. Озарбойжон ва Ирокни Жаҳоншоҳ авлодидан оккўйлуқ Узун Ҳасан олгач, Али Шуқурбекнинг ўғиллари тўрт-беш минг уйли қоракўйлуқ туркманлар билан Султон Абусаид мирзо хизматига кирдилар. Султон Абусаид мирзо енгилганда бу вилоятларга тушдилар. Султон Махмуд мирзо Самарқанддан Хисорга келганда эса, улар Султон Махмуд мирзо хизматига кирдилар. Пошобегимни Султон Махмуд мирзо ўша пайтда олган эди. Пошобегим бир ўғил, уч кизнинг онаси эди.

Яна бири Султон Нигорхоним эди. Насаби хонлар воқеаларида шарҳлаб ёзилганди. Чўри ва қанизақлари ҳам анча эди. Мўътабар чўриси Зухрабегим ога эди. Ўзбакдан.

Султон Абусаид мирзонинг тириклигида, ёшлигида олганди. У бир ўгил, бир кизнинг онаси эди.

Канизлари ҳам анча эди. Уларнинг иккитасидан икки киз бўлган эдики, юкорида зикр килинди.

Амирлари: Хисравшоҳ туркистонлик кипчоклардан. Кичиклигида тархон бек-ларининг хизматида эди. Балки шахсий сокчи эди. Ундан сўнг Мазидбек аргунга навкар бўлди. У Хисравшоҳни ҳар томонлама кадрлаган эди. Ирок мағлубиятида Султон Махмуд мирзога кўшилиб йўлда келаётганида арзирли хизматлар қилгани учун Султон Махмуд мирзонинг эътиборини қозонди. Кейинчалик жуда куча-йиб кетди. Султон Махмуд мирзонинг замонидаёқ Хисравшоҳ навқари беш-олти мингга етганди. Амударёдан Хиндукуш тоғигача Бадахшондан бошқа вилоят-ларнинг ҳаммаси унга тааллуқли эди. Бир бутун мустақкам бек лик тузди. Зиёфати ва саховати яхши эди. Соддалигига қарамай, жуда топармон-тутармон эди. Қанча кўп топса, шунча яхши ҳарж ҳам қиларди.

Султон Махмуд мирзодан сўнг ўғлонларининг замонида ҳам жуда кучайиб кетди. Навқари йигирма мингга яқинлашган эди. Гарчи намоз ўқиб, таомда парҳез қилса ҳам, аммо бетамиз, бузуқи, идроксиз, бефаҳм, бевафо ва оқибатсиз киши эди. Беш қунлик ўтар дунё учун бир ўзи ўстирган валинеъматзодаси Султон Махмуд мирзо ўғлининг кўзини кўр қилди. Бошқа бирини ўлдирди. Тангри қошида оқиб ва халқ оқидида ёмонотлик бўлди. Қиёмат тонгигача лаънат ва нафратга сазовор бўлди. Бу ўтар дунё учун шундай ёмон ишлар қилди. Бундай жуда обод вилоят ва бунчалик кўп яроғлик навқарга эга бўла туриб, бир мақийён билан ҳам урушмади. Хали бу воқеалар зикри қелади.

Яна бири Пирмуҳаммад элчи Бўга, қавчин эди. Балх дарвозасида ҳазоралар билан урушда Султон Абусаид мирзо оқидида баҳс бойлашиб мушт жангига қирганди. Мардона киши эди. Султон Махмуд мирзога доим мулозамат қиларди. Мирзонинг ихтиёрига қараб иш тутарди. Султон Хусайн Бойқаро мирзо Қундузни қамал қилганда, Хисравшоҳга қарши оқ киши билан зирҳли қийимсиз ўйламай-нетмай тунги босқинга оқланди. У шундай қуп навқарга қарши нима ҳам қила оларди! Муҳаммад элчи Бўга оққасидан қувғунчи борди: у ўзини дарёга ташлаб, қарқ бўлди.

Яна бири Айюб эди. Султон Абусаид мирзо қошида Хуросон танқўриқчилари қисмида хизмат қиларди. Бу мардона киши Бойсунқур мирзонинг бекотаси эди. Емақ ва қиймаги меъёри билан эди. Хазилқаш ва сўзамол бўлгани учун Султон Махмуд мирзо унга „беҳаё“ деб хитоб қилар экан.

Яна бири Вали Хисравшоҳнинг туғишган иниси эди. Навқарини яхши сакларди. Султон Масъуд мирзонинг кўзига мил тортилмоғига ва Бойсунқур мирзонинг ўлдирилмоғига сабабчи у эди. Жами элнинг қийбатини қиларди. Тили захар ва фаҳш сўзлар айтқучи, қайсар ва бемаза эрқак эди. Ўзидан бошқа ҳеч қишини бирор-бир ишда қилмасди. Мен Қундуз вилоятидан қелиб Душий атрофида Хисравшоҳни навқар-савдаридан айириб жўнашга руҳсат берган қайтимида, у ҳам ўзбаклар қўркувидан Андароб ва Серобга қелганди. У мавзелардаги аймоқларни босиб-талаб, бизни деб Қобулга қелди. Вали Муҳаммад Шайбонийхон қошига борди. Самарқанд шаҳрида боши қирқилди. Яна бири Шайх Абдулло барлос эди. Шох Султон Муҳаммаднинг бир қизи унда эди. Бу аёл Абобақр мирзо билан Султон Махмудхоннинг қоласи бўлади. Шайх Абдулло барлос тўнни таранг ва тор қияр эди. Оқми ва ақил киши эди.

Яна бири Махмуд барлос эди. Навандоқлик барлослардан. Султон Абусаид мирзо қошида ҳам бек эди. Султон Абусаид мирзо Ирок вилоятини эғаллаганда Қирмон шаҳрини Махмуд барлосга берган эди. Абобақр мирзога Мазидбек аргун ва

коракўйлуқ туркман беклари кўшилиб, Султон Махмуд мирзонинг устига Хисорга юганда, Султон Махмуд мирзо огаси ёнига — Самаркандга кетди. Махмуд барлос Хисорни бермай, яхши химоя килди. Девон тузган шоир эди.

Султон Махмуд мирзонинг вафотидан сўнг Хисравшоҳ бу воқеани элдан яшириб, хазинага кўл чўза бошлади. Бундай хабар қандай яширин қоларди? Дарҳол бутун шаҳар халқига ёйилди. Ўша қуни Самарканд халқининг қатта хайити эди. Лашқар ва фуқаро Хисравшоҳнинг устига ҳужум қилиш пайида бўлдилар. Аҳмад Хожибек ва тархон беклари гавғони босиб, Хисравшоҳни чиқариб Хисорга узатдилар. Султон Махмуд мирзо ҳаётлигида қатта ўғли Султон Масъуд мирзога Хисорни, Бойсунқур мирзога Бухорони берган эди. Бу воқеа, яъни Султон Махмуд мирзонинг вафоти пайтида ҳеч қайси ўғли ҳозир эмас эди. Хисравшоҳни ҳайдашгандан сўнг Самарканд ва Хисор беклари ўзаро келишиб Бухорога — Бойсунқур мирзога қиши юбордилар ва қелтириб, Самарканд тахтига ўтиргиздилар. Бойсунқур мирзо подшоҳ бўлганда ўн саккиз яшар эди.

Ўша фурсатда Тошқанд ҳокими Султон Махмудхон Султон Жунайд барлос ва Самарканднинг баъзи улуглари сўзи билан Самаркандни эгаллаш умидида лашқар тортиб, Қанбой мавзесига қелди. Самарканддан Бойсунқур мирзо ҳам қатта, яхши қуролланган лашқар билан чиқиб, Қанбой мавзесида саф тортиб урушдилар. Хайдар қўқалдош мўғул лашқарининг улуг таянчи, ҳужумчилик қисмининг бошлиғи эди; ҳаммалари отдан тушиб, жангга қирдилар. Самарканд ва Хисорнинг ҳамиятли йигитлари от қолдилар. Хайдарбек бошлиқ отдан тушганлар бутунлай отлар оёғи остида қолдилар. Хайдарбек қўлга олинган, мўғуллар уруша олмадилар, енгилдилар. Қўп мўғул қишиси қирилди. Бойсунқур мирзо ўз олдидан ҳам қўп қишининг бошини олдирди.

Шунчаликка борилдики, ўликнинг қўплигидан шох қодирини уч ерга қўчирдилар. Бу фурсатда минглик элидан бўлган, отамнинг олдидан қичқилгидан хизматлар қилиб беклик мартабасига етган, бироқ сўнгра бир гуноҳи туфайли мартабаси пасайтирилган Иброҳим сору Исфара қўргонини эгаллаб, Бойсунқур мирзо отига хутба ўқитди, муҳолиф томонида бўлди.

Шаъбон ойида Иброҳим сору фитнасини даф этиш учун лашқар отланди. Ушбу ойнинг охирида Исфарани қамал қилдик. Ўша қуни йигитлар шўхлик қилиб, етиб қелгандан қўргоннинг ташқарисидаги янги солинган қўргонни олдилар. Сайид Қосим эшиқога шу қуни ҳаммадан яхшироқ ҳаракат қилиб, ўзиб қилич урди. Султон Аҳмад Танбал ҳам қиличининг қучини қўрсатди. Муҳаммад Дуст тағойи ҳам қиличбозлик додини берди. Бироқ баҳодирлик улуши совринини Сайид Қосим олди. Баҳодирлик улуши мўғулларда қадимий расмдир. Ҳар уруш ва ҳарб маърақасида ҳар қимчи элдан ўзиб қилич урган бўлса, улушни ўша олади. Шохруҳияга борганда, тоғам Султон Махмудхоннинг намунали баҳодирлик улушини Сайид Қосим олди. Аввалги қунги урушда Худойбердибек отамга тахш (қичқил ўқ отиш қуроли) ўқи тегиб, ўлди. Зирҳли қийимсиз урушга қирилгани учун баъзи йигит-яланг қобул бўлиб, анча одам ярадор бўлди. Иброҳим сорунинг қошида бир тахшотари бор эди, жуда яхши отарди. Унинг дек тахшотарни қўрмаган эдик. Аксар элни у ярадор қилди. Қўргон олингандан сўнг, ўша тахшотар доим менинг қошимда бўлди. Қамал узокка чўзилди. Икки-уч ерда сарқўблар ясаб, ерости йўлларини қазиб буюрилди. Қалъа олиш ҳаракатида жиддий қиришиш тайинланди. Қамал қирқ қунга чўзилди. Охири Иброҳим сору ожиз қолиб, Хожа Мавлоноий Қозининг воситачилиғи билан қулликни бўйнига олиб, шаввол ойида қилич, садогини бўйнига осиб қелиб, мулозамат қилиб, қўргонни топширди.

Хўжанд ҳам узок муддатлардан бери Умаршайх мирзо давлатига тааллуқли эди. Бироқ

бу тўс-тўполонларда хокимидан путур кетгани учун Султон Ахмад мирзога қарар эди. Шу муносабат билан унинг устига юриш қилиб борилди. Хўжандда Мир Мўгулнинг отаси Абдуваххоб шиговул эди. Мен етган захотимок кўргонни талашиб-тортишиб ўтирмай топширди.

Бу фурсатда Султон Махмудхон Шохрухияда эди. Бундан бурунрок Султон Ахмад мирзо Андижон тупрогига келганда хон ҳам келиб, Ахсини камал қилганди. Зикр этилганидек, хотиримга келдики, хон онамнинг акасибир, ора бунчалик якин бўлгани боис бориб бош эгсам, ўтган гина-қудуратлар бартараф бўлса, якин-йирокда эшитган-қўрганга яхши бўлади, деб келиб, Шохрухиядан ташқаридаги Хайдарбек солган богда хонга мулозамат қилдим. Хон богнинг ўртасидаги улуг чордара (тўрт эшикли) уйда ўтирган эдилар. Уйга қирғач, уч марта таъзим қилдим. Хон ҳам таъзим қилиб ўринларидан турдилар. Қўришиб, қайтиб таъзим қилгандан сўнг, ёнларига олиб, кўп шафқат ва меҳрибончиликлар қўрсатдилар.

Бир-икки кундан сўнг Қандирлик доғони билан Ахси ва Андижон сари йўлга тушдим. Ахсига етиб отамнинг мазорини тавоф қилдим. Ахсидан жума намози вақти чиқиб, Банди Солор йўли орқали шом билан хуфтон намози орасида Андижонга келдим. Бу Банди Солор йўли тўққиз йигач йўлдир. Андижон вилоятининг даштда яшовчи аҳолисидан бири одами кўп Чакрак элидир. Беш-олти минг уйлик эл. Улар Фаргона билан Қошғар орасидаги тоғларда истикомат қиладилар. Отлари кўп ва қўйлари беҳисобдир. У тоғларда қорамол ўрнига қўтос саклайдилар. Қўтос лари ҳам кўп бўлади. Тоғларда берк ва чегарада бўлгани учун мол беришга ўрганмаганлар. Чакракдан-мол олиб, лашқарга бўлиб бериш учун лаш-қарни Қосимбекка бошлатиб, Чакракка юборилди. Қосимбек бориб, йигирма мингга якин қўй ва минг-минг беш юз от олиб, лашқарга улашди. Лашқар Чакракдан қайтгандан сўнг Ўратепанинг устига отланилди. Ўратепа узок муддатлар Умаршайх мирзо тасарруфида эди. Мирзо ўлган йили қўлдан чиқиб кетганди. Бу фурсатда Бойсункур мирзонинг иниси Султон Али мирзо бу ерда эди. Султон Али мирзо хабар топиб, ўзи Қалғар ва Масчо тоғликларига чиқиб кетиб, бекота Шайх Зуннунни Ўратепага қўйган эди. Хўжанддан ўтиб ярим йўлга етганда, Халифани Шайх Зуннунга элчи сифатида юборилди. У беақл ноқас муносиб жавоб бермай, Халифани туттириб, ўлимга буюрди. Қисматда йўқ экан, Халифа халос бўлиб, юз минг машаккат ва азоблар билан икки-уч кундан кейин яёв ва яланғоч қайтиб келди.

Ўратепа тарафларга келдик. Қиш якин қолгани учун эл шоли-молини бутунлай йигиштириб олган эди. Шу сабабдан бир неча кун ўтгач, Андижон сари қайтиб йўлга тушилди. Биз қайтгандан сўнг хон лашқари Ўратепа устига юрди. Ўратепа қишилари саклай олмай, у ерни ташлаб қикдилар. Хон Ўратепани Муҳаммад Хусайн қўрагонга берди. Ўша вақтдан тўққиз юз сакқизинчи йилгача (милодий 1502 йил) Ўратепа Муҳаммад Хусайн қўрагонда эди.

давоми бор...

